

Т.С.Расулов – ТДШИ профессори,
Қ.Б.Шарипов – ТДИУ
мустақил тадқиқотчиси

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ушбу мақолада миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги тушунчасининг моҳиятига бўлган турли хил ёндошувлар таҳлили, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш омиллари ва даражалари, миллий рақобатбардошлик ромби, мамлакат рақобат устунлигининг детерминантлари ва уларнинг хусусиятлари, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлили, Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш каби масалаларнинг моҳияти очиб берилган.

В данной статье анализируются различные подходы к концепции конкурентоспособности национальной экономики, факторы и уровни конкурентоспособности национальной экономики, ромб национальной конкурентоспособности, детерминанты конкурентного преимущества страны и их характеристики, анализ современного состояния социально-экономического развития в Узбекистане. выявлено.

This article analyzes different approaches to the concept of competitiveness of the national economy, factors and levels of competitiveness of the national economy, the rhombus of national competitiveness, determinants of the country's competitive advantage and their characteristics, analysis of the current state of socio-economic development in Uzbekistan. explained..

Калит сўзлар: *миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги, рақобатбардошлик даражалари, рақобатбардошлик омиллари, Миллий рақобатбардошлик ромби, рақобатбардошликни таъминлаш, рақобат, таркибий ўзгартиришлар, иқтисодий ўсиш, ЯИМ, рақобатбардошликни таъминлаш йўналишлари.*

Бозор иқтисодиётида бошқа рақобатчилардан ўзиб кетиш ёки устун келиш қобилияти, рақобатбардошлик муҳим ҳисобланади. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва изчил ўсишига эришишнинг асосий омили унинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Ҳозирги вақтда “рақобатбардошлик” тушунчасининг иқтисодий мазмунига нисбатан турли хил ёндошувлар мавжуд. Унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Ушбу тушунча талқинларининг кўп бўлиши эҳтимолини белгилаб берувчи асосий

омиллар - бу иқтисодчиларнинг турли хил бошланғич позициялари ҳамда ишлаб чиқарувчи сифатида фақат алоҳида корхона, тармоқ ёки бутун иқтисодиётнинг кўриб чиқилишидир. Рақобатбардошлик - нисбий тушунча, чунки бир турдаги бозорларда муваффақиятли рақобатлашувчи товар бошқа бозорларда умуман рақобатбардош бўлмайди. Бу ҳол ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошликни чегаралаш заруратини келтириб чиқаради.

Мамлакат рақобатбардошлиги ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги амалда бир хил мазмунни ифодалайди.

Рақобатбардошлик муаммосининг ушбу жиҳатига диққатни қаратар эканмиз, унга баҳо беришда ҳозирги замон иқтисодиётида анчайин диверсификацион ёндошув юзага келганини таъкидлаб ўтмай бўлмайди.

Аввалам бор, мамлакат (ҳудуд) рақобатбардошлигининг назарий ва амалий таҳлиliga бағишланган сўнгги адабиётларга мурожаат этар эканмиз, уларда минтақалараро қиёсларга. рақобатбардошликни бутун ругионал иқтисодиёт учун анчайин муҳим бўлган қандайдир ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича идентификациялашга бўлган интилиш кўзга ташланаётганининг гувоҳи бўламиз.

1-жадвал

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги тушугнчасига бўлган турли хил ёндошувлар таҳлили

Муаллифлар	Моҳияти
Ж.Вальтер	рақобатбардошликка тавсиф берганда, секторал тузилма (хизматларнинг аҳамиятини саноатга қараганда кўтариш), инновациялар, ҳудуднинг қарор қабул қилишда иштироки, юқори технологик ишлаб чиқариш ва юқори малакали ишчи кучининг концентрацияси (ишчи кучининг яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити ва хизматларга нисбатан ўзига хос талаб бўлган ҳолда), аҳоли даромадлари ва бандлик даражаси каби параметрлар билан иш кўриш лозим бўлади [8].
П.Кресл ва Б. Сингх	рақобатбардошликнинг саноат ва чакана савдода ялпи қўшимча қиймат ҳамда бизнес-хизматларнинг ялпи қиймати каби жиҳатларига эътибор қаратадилар [9].
В.Ф. Левер	рақобатчилик натижалари даромадларнинг ўсиши ва иш ўринларининг яратилишида ифодаланиши мумкин [10].
И. Бегг, Е. Браун	миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг мазмунини очишда ўз эътиборини аҳолининг яшаш даражаси (сифати) индикаторлари билан тўлдирилган ишлаб чиқариш унумдорлиги ва бандликка қаратади [11].
М. Портер	мамлакатнинг рақобатбардошлиги даражасини унинг миллий компаниялари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, фирмалар, тармоқлар рақобатбардошлиги таъминлаб беради. Шунинг учун

	дастлаб мамлакат рақобатбардошлигини эмас, балки миллий компаниялар рақобатбардошлигини таҳлил этиш лозим. У мамлакат компанияларининг муваффақиятини таъминлаб берадиган қулай муҳитни яратиш қуйидаги тўртта муҳим кўрсаткичга боғлиқлигини таъкидлайди [7].
Н.Ю.Четыркина	Мамлакатнинг рақобатбардошлиги – бу жаҳон иқтисодиётида яратилган қийматни ўз фойдасига қайта тақсимлаш қобилияти бўлиб, бу мамлакатда қўшимча қиймат яратиш ва мамлакат аҳолисининг ҳаёт сифатини юқори даражада ушлаб туришга имкон берадиган шароитлар мавжудлигидан келиб чиқади [12].
Р.О.Алимов, А.Ф.Расулев, А.М.Қодиров ва бошқалар.	Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги - бу иқтисодиётнинг муҳим кўрсаткичлари ҳолатини ташқи параметрларга нисбатан ялпи баҳолашни ўзида мужассам этган қиёсий тавсиф ҳисобланади, шу сабабли миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги халқаро рақобатда намоён бўлади [4].
А.Вахобов, Э.Шодмонов	Рақобатдошлик деганда, одатда товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминлайдиган нархда ташқи бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилияти тушунилади. Таъкидлаш лозимки, рақобатдошлик товарлар бозори билан чекланиб қолмасдан, макроиқтисодий мазмунига ҳам эга бўлади [13].
Ш.Ж.Эргашходжаева	мамлакатнинг рақобатбардошлиги эркин ва ҳалол рақобат шароитида мамлакатнинг жаҳон бозори талабларини қондирувчи товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш қобилияти сифатида таърифлаш мумкин [5].

Бизнинг назаримизда, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги – бу рақобатбардошликнинг барча даражаларида, яъни мамлакатда яратилган товар ва хизматлар, корхона ва фирмалар, тармоқларнинг жаҳон бозорида иқтисодий фаолият самарадорлиги жиҳатидан муносиб қарши тура олиш қобилияти ҳисобланади.

Мамлакатнинг рақобатбардошлик кўрсаткичи, биринчи галда мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавқеини тавсифловчи, шунингдек, товар ва товар ишлаб чиқарувчининг ҳамда тармоқнинг рақобатбардошлигини бирлаштирувчи умумий кўрсаткич ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги намоён бўлишнинг кўп даражали шаклларига эга:

- товарнинг рақобатбардошлиги;
- ходимнинг рақобатбардошлиги;
- товар ишлаб чиқарувчиси (корхона ёки фирма)нинг рақобатбардошлиги;
- тармоқнинг рақобатбардошлиги;

– мамлакатнинг рақобатбардошлиги (ёки миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги).

Корхона рақобатбардошлиги – муайян турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналарга ўзининг ишлаб чиқариш, молиявий ва маркетинг фаолияти самарадорлиги жиҳатидан муносиб қарши тура олиш қобилияти.

Рақобатбардошликнинг ҳар қандай даражаси учун хусусиятли бўлган асосий омиллар мавжуд (1-расм).

Бунда рақобатбардошликнинг барча даражалари ўртасида жипс ички ва ташқи ўзаро боғлиқлик мавжуд. Мамлакат ва тармоқнинг рақобатбардошлиги пировардида муайян товар ишлаб чиқарувчининг рақобатбардош товар ишлаб чиқариш қобилиятига боғлиқ.




1-расм. Рақобатбардошликнинг ҳар қандай даражаси учун хусусиятли бўлган асосий омиллар

Рақобатбардошлик турли босқичлари ўзаро алоқадорлигининг диалектикаси 2-расмда келтирилган.




2-расм. Рақобатбардошлик турли босқичлари ўзаро алоқадорлигининг диалектикаси [5].

Рақобатбардошликни барпо этиш ва ривожлантиришнинг М.Портер концепциясига асосланган замонавий модели мамлакатнинг умумий хусусиятга эга бўлган ва унда ишлаб чиқарувчилар рақобатлашадиган рақобат муҳитини шакллантирувчи тўртта хусусиятидан иборат. Ушбу муҳит рақобат устуңликларини шакллантиришга кўмаклашиши ҳам ёки унга тўсқинлик қилиши ҳам мумкин (3-расм).



3-расм. Мамлакатнинг рақобат устунлиги детерминантлари (М.Портернинг таърифлашича - миллий ромб) [7].

Мамлакат рақобат устунлигининг детерминантлари ва уларнинг хусусиятлари ва мазмуни 4-расмда келтирилган.



4-расм. Мамлакат рақобат устунлигининг детерминантлари ва уларнинг хусусиятлари

Миллий иқтисодиётни такомиллаштириш ва хўжалик юритишнинг инновацион шаклларига ўтишга йўналтирилган фаол саноат сиёсати дунёнинг

ривожланган мамлакатларига нисбатан иқтисодий ўсишдаги узилишни камайтириш учун ҳал этувчи замин бўлиб ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномасида “2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутди. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин” [2] деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.


Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиялар турларини чиқаришни ўзлаштириш, бунга асосан ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш” [3] лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ҳар қандай мамлакатда ички бозорда рақобатнинг мавжудлиги бозор ҳўжалиги муваффақиятли фаолият кўрсатишининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги - бу иқтисодиётнинг муҳим кўрсаткичлари ҳолатини ташқи параметрларга нисбатан ялпи баҳолашни ўзида мужассам этган қиёсий тавсиф ҳисобланади, шу сабабли миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги халқаро рақобатда намоён бўлади.

Маълумки, жаҳон амалиётида мамлакатларнинг йиллар бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиши уларда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари орқали аниқланади. ЯИМнинг ўсиш суръати одатда олдинги йилга нисбатан фоизларда ўлчанади. Жумладан, 2019 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти олдинги йилга нисбатан 5,6 фоизга ўсиб, унинг мутлақ ҳажми 511 838,1 млрд. сўмга тенг бўлди (5-расм).

5-расмдан кўринадики, мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари барқарор тарзда бормоқда. Агар ўртача ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 4 фоиздан, 2004-2006 йилларда 7,3 фоиздан, 2007-2008 йилларда эса 9,2 фоиздан юқори даражада кузатилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2009-2016 йиллар давомида 8 фоиздан юқори бўлди. 2019 йилда эса 5,6 фоизни ташкил этди.



5-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда [15]

Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда [16]

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар % да	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	8,1	8,5	8,3	8,2	8,0	8,1	8,0	7,8	5,3	5,1	5,6
Саноат маҳсулотнинг ўсиши	9,0	8,3	6,3	7,7	8,8	8,3	8,0	6,2	7,0	16,6	6,6
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўсиши	5,7	6,8	6,6	7,0	6,8	6,9	7,0	6,6	2	0,2	2,5
Хизмат кўрсатиш хажми	12,9	13,4	16,1	15,0	13,5	15,1	13,4	14,7	10,7	8,9	12,5
Чакана савдо айланмаси	16,6	14,7	16,4	13,9	14,8	14,3	15,3	14,4	2,4	6,9	7,9
Инфляция даражаси	7,4	7,3	7,6	7,0	6,8	6,1	5,6	5,7	14,4	14,3	15,2
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	26,5	23,5	23,1	17,5	16,0	13,9	7,1	4,3	5,2	7,2	-

Жадвалдан кўринадики, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2019 йилда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2018 йилга нисбатан 6,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,5 фоизга ўсди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2018 йилга нисбатан 7,9 фоизга ўсиши кузатилди.

Бу иқтисодиётни янада такомиллаштириш ва либераллаштириш, ҳамда жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотлар натижасидир.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан кейинги йиллардаги давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2017–2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилмоқда. Жумладан, «2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди.

Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда» [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестицияларга алоҳида тўхталиб, «Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган.

Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади», деб таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимизнинг халқаро капитал бозорларидаги рақобатбардошлилигини мустаҳкамлаш инвестицион жараёнлар самарадорлиги билан узвий алоқадорликда бўлган қуйидаги учта асосий омилга боғлиқ бўлади:

- давлат бошқарувининг рақобатбардошлилигини кучайтириш. Бунинг учун давлатчилик функцияларининг оптимал ва бошқа мамлакатлардагига нисбатан янада самарали ташкил қилишга имконият берувчи тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш керак. Шунингдек, амалдаги ва янги қонунларни халқаро талаблар асосида унификациялаш, уларни мақсадли қўлланишини таъминлаш, фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий эркинликларни таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш зарур;

- маҳаллий бизнес ва тадбиркорликнинг рақобатбардошлилигини кучайтириш керак. Бунинг учун молиявий секторни ислоҳ қилиш, унинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш лозим бўлади;

- инсон капиталининг, фуқароларимизнинг иш билан таъминланиш ва даромад олиш имкониятлари, бизнесдаги юқори рақобат муҳити шароитида фаолият юрита олиш қобилиятлари билан белгиланади [6].

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишни жадаллаштириш орқали мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимидаги рақобатбардошлилигини янада ошириш учун имкониятлар яратилади.

Мамлакат рақобатбардошлилигининг муҳим кўрсаткичларидан бири – барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий баланслашувнинг таъминланишидир. Бизнинг мамлакатимизни глобал инқирознинг тўғридан-тўғри таъсиридан ҳимоя қилган макроиқтисодий мувозанатлашувининг асосий омиллари қаторига 2005 йилдан бошлаб кузатилаётган бюджет профицитининг таъминланиши, олтин-валюта расмий захираларининг юқорилиги ва давлатнинг ташқи қарзларининг паст даражаси, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидаги эҳтиёткорона алоқалар кабиларни киритишимиз мумкин.

Юқоридагилар билан бир қаторда Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайитириш бўйича вазифалар белгиланган.

Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини оширишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол

товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш Харакат дастурининг энг аҳамиятли вазифалари қаторидан ўрин олган.

Маҳсулотлар рақобатбардошлилигини ошириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий алоқаларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши бу жараёнларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга янада юксак талаблар қўймоқда.

Охирги йиллар давомида диверсификация қилиш ва иқтисодиёт соҳаларини рақобатбардошлилигини ошириш борасида олиб борилаётган чоратadbирлар натижасида жаҳон иқтисодиётида инқироз ҳолатлари ҳамон сақланиб турган ва жаҳон бозоридаги нархлар даражаси пастлиги республиканинг асосий экспорт нуқталарига таъсирини камайтиришга эришилди. Ўзбекистон иқтисодиётининг узоқ муддатли истиқболда рақобатбардошлилигини ошириш учун қуйидаги йўналишларга куч ва ресурсларни қаратиш белгиланган:

- иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, ЯИМда моддий ва энергия сиғимини 2 баробар пасайтириш ҳисобидан мамлакатимиз иқтисодиётининг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиши орқали иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори даражасини таъминлаш (8 фоиз);

- модернизация қилишнинг биринчи навбатдаги объекти бўлиб инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлашга қодир таркиблар, давлат таълим стандартларига риоя қилиш, инновация инфратузилмаси ривожланиши учун зарур бўлган қулай инвестицион муҳит ва бошқа барқарор иқтисодий ўсиш элементлари бўлиши лозим;

- ўта янги маҳсулот турлари ва юқори технологияларни ишлаб чиқишни ўзлаштириш асосида ташқи бозорда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлилигини ошириш; саноат ишлаб чиқариши, биотехнология, информатика ва нанотехнологиядаги янги кашфиётларни қўллашга асосланган ҳамда миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқ ва соҳаларида катта салоҳиятга эга бўлган энергия ва сув тежайдиган технологияни жорий этиш;

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашувини чуқурлаштириш, унинг ташқи иқтисодий бозор конъюктурасига боғлиқлигини пасайтириш учун ташқи бозорда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобидан экспорт таркибини диверсификация қилиш;

- мамлакатнинг ёқилғи-энергетик балансини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, чунки иқтисодиётнинг энергия таъминотида табиий газнинг

улуши меъёрдан анча юқори кўрсаткичга эга бўлгани учун истиқболли энергия тежовчи технологияларни фаол ишлаб чиқиш ва халқаро айирбошлаш, энергиянинг муқобил манбаларидан кенг фойдаланиш зарур [14].

Юқоридагилардан хулоса қилиб, Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари бўйича қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Булар:

- ташқи савдо айланмасининг товар ва географик таркибини диверсификациялаш орқали рақобатбардошликни ошириш;
- хом ашё экспортини қисқартириб, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган тайёр маҳсулотлар экспортини кўпайтириш;
- ташқи савдога хизмат қилувчи инфратузилмани янада ривожлантириш;
- маҳсулот таннархини пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;
- иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш;
- иқтисодиётни техник-технологик қайта қуроллантириш асосида тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш;
- янги маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://kun.uz/99444746>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

4. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт / Муаллифлар жамоаси: Р.О.Алимов, А.Ф.Расулев, А.М.Қодиров ва бошқалар. // С.С.Ғуломов таҳрири остида. – Тошкент. Konsauditinform-Nashr, 2006, 440 б.

5. Эргашходжаева Ш.Д. Халқаро рақобат. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2013 й. 252 бет.

6. Юлдашев Ш. Инвестиция жараёнлари ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини таъминлаш муаммолари // Эркин иқтисодиёт тамойиллари (Х.П.Абулқосимов ва б.) – Т., Академия, 2005. – 39-40-б.

7. Портер М. Конкуренция. /Пер. с англ. - М.: Издательский дом "Вильямс", 2002. С. 176.
8. Walter G. Competitiveness: a General Approach// RECEP's Reports. 2004.
9. Kresl P.K., Singh B. Competitiveness and the Urban Economy // Urban Studies. 1999. Vol. 36. № 5 - 6.
10. Lever W.F. Competitive Cities in Europe // Urban Studies. 1999. Vol. 36.
11. Begg I., van der, Braun E. Urban Competitiveness, Marketing and the Need for Organising Capacity // Urban Studies. 1999. Vol. 36. № 5 - 6.
12. <https://cyberleninka.ru/article/n/konkurentosposobnost-strany-priroda-istochniki-i-factory>
13. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “О’қитuvchi” НМИУ. - 2013. – бет.
14. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 8.
15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги маълумотлари (minesopomtu.uz).
16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (stat.uz).